





Имом ал-Бухорий сабоқлари

маънавий-маърифий, илмий-адабий журнал



3/2008



Бош муҳаррир:
Зоҳидулло МУНАВВАРОВ

Масъул котиб:
Неъмат ЖАББОРОВ

Таҳрир ҳайъати:
Усмонхон АЛИМОВ
Баҳром АБДУҲАЛИМОВ
Абдулазиз МАНСУР
Неъматилло ИБРОҲИМОВ
Анвар ҲОЖИАҲМЕДОВ
Суйима ҒАНИЕВА
Убайдулла УВАТОВ
Маҳмуд ҲАСАНИЙ
Шухрат СИРОЖИДДИНОВ

Бош расом ва
компьютер безакчиси:
Азиз УМАРОВ

Хаттот:
Ҳабибуллоҳ СОЛИҲ

Муассис — Имом Бухорий
республика илмий-маърифий маркази

Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида
руйхатга олинган.
Гувоҳнома рақами — 0057

Таҳрир ҳайъати фикри муаллифлар
фикридан фарқланиши мумкин.
Журналдан кўчириб босилганда
манба қайд этилиши шарт.

Манзилимиз:
Тошкент шаҳри,
Туроб Тула кўчаси, 1-уй.
Телефон: 239-15-75
Факс: 239-15-78

Журнал андозаси таҳририятнинг
компьютер бўлимида тайёрланди.

"Картография" илмий-ишлаб чиқариш
Давлат корхонасида чоп этилди.

Буюртма № 260
Адади: 500

Босмахонага 2008 йил, 4 июлда топширилди.
Босишга 2008 йил, 7 июлда рухсат этилди.

Мундарижа

3. Мунавваров. Касб танлаш масъулияти	163
<i>Абадий барҳаёт Китоб</i>	
А. Қодир. «Ал-Кашшоф» асарининг қўлёзмалари (ЎзР ФА ШИ фонди асосида)	165
Д. Махсудов. «Мағорикун-т-танзил ва ҳақоикун-т-таъвил» асарининг аҳамияти ва хусусиятлари	168
<i>Муҳаддислар султони</i>	
Аш-Шайх Абдуссалом ал-Муборақфурий. <i>Сийрат ал-Имом ал-Бухорий: Ҳадисларни ёдлашга эътибор ва бу борадаги эҳтиёткорлик</i> (давоми, бошланиши ўтган сонларда) ...	171
<i>Имом ал-Бухорий издошлари</i>	
Ас-Сароний. «Асомиу шуйух ал-Бухорий» (давоми, бошланиши ўтган сонларда)	172
<i>Мовароуннаҳрлик алломалар</i>	
А. Мансуров, М. Атаев. Уструшана минтақасидан чиққан олимлар (давоми, бошланиши ўтган сонда)	174
<i>Пайғамбарлар тарихидан</i>	
Л. Юнусова. Қуръони қаримда Мусо пайғамбар сиймоси	176
<i>Қўлёзмалар — дурдоналар</i>	
Ш. Мирзиятов. Ноёб манбанинг қадимий қўлёзмаси	177
<i>Манбалар тилга кирганда</i>	
Ж. Ҳазратқулов. Диёнат ва ҳақиқат тимсоли (Хондамир. «Ҳабибу-с-сияр»дан... давоми, бошланиши ўтган сонда)	178
<i>Бобур таваллудининг 525 йиллигига</i>	
С. Жалилов. Бобур қадами теккан қишлоқ	180
<i>Ислоҳ ва адабиёт</i>	
Н. Жабборов. Уммондан бир маржон (Хўжа Аҳмад Яссавийнинг «Қисса-и Нуъмон ибн Собит» асари)	184
<i>Ислоҳ ва ҳунармандчилик</i>	
О. Остонов. Зарафшон воҳасида заргарлик ҳунарлари (XIX аср охири — XX аср бошларида)	187
<i>Жадидчилик маърифати</i>	
Г. Қурбонова. Элбекнинг маънавий-маърифий фаолияти	191
<i>Ислоҳ ва санъат</i>	
Г. Эшонова. Санъат ва дин билан боғлиқ қадриятларнинг инсон камолотидаги ўрни	193
<i>Суюқли сиймолар</i>	
Х. Тўраев. Беназир истеъдод соҳиби	196
С. Жамалов. Қорақалпоқ элининг таниқли диний арбоби	197
Н. Турғунова. Қўшиқдан яралган бўстон	199
<i>Тасаввуф — маънавий камолот йўли</i>	
З. Исҳоқова. Боб Умар Фарғоний	201
Э. Зоиров. Маҳдуми Аъзам таълимотида тана ва руҳ алоқадорлиги масаласи	203
<i>Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига</i>	
З. Мадрохимов. Қўқон хонлигининг савдо алоқаларида Тошкент шаҳрининг туганган ўрни	205
<i>Ватанимиз тарихини ўрганамиз</i>	
Э. Умаров. Самарқандда битилган қадимги ўзбек тилидаги икки ёдгорлик	210
<i>Миллий давлатчилигимиз тарихидан</i>	
Г. Астанова. XIX аср ёзишмаларида Насаф беклиги	211
Ю. Шукруллаев. Бухоро амирлиги қўшинининг этник таркиби (давоми, бошланиши ўтган сонда)	214
<i>1 сентябрь — Мустақиллик куни</i>	
Б. Юсупов. Мустақиллик масъулияти	218
<i>Устоз ва шогирд</i>	
М. Муҳитдинова. Сахий қалб соҳиби	220
ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ АВЛОДЛАРИ	
<i>Ислоҳ — эзгулик дини</i>	
С. Саидов. Қариндошлик ва аҳил қўшничилик ришталари ҳақидаги ояти қарималар	223
<i>Ислоҳ ва маърифат</i>	
Б. Ҳамроқулова. Ислоҳда ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлар	225
<i>Фалсафий мушоҳадалар</i>	
Ш. Сирожиддинов. Қалом ва ал-фалсафа муносабатлари тарихидан бир лавҳа	228
Ш. Қаҳҳорова. Тасаввуфда тақдир ва тадбир муаммоси (давоми, бошланиши ўтган сонда)	231
<i>Ёш тадқиқотчилар</i>	
М. Таджибаева. Ўзбекистонда гендер жараёнини ривожлантириш истиқболлари	235
М. Абдуллаева. «Одобу-с-солиҳин» ҳикматлари	237

Пайғамбарлар ҳақидаги қиссалар одоб-ахлоқ, сабр-тоқат, эзгуликка даъват этувчи, ёш авлод маънавий тарбиясига ижобий таъсир кўрсатувчи мотивларни ўз ичига олади. Мусо пайғамбар сиймосини ўрганиш, унинг ибратли фаолияти, ҳозирги вақтда кўпмиллатли ва кўпконфессияли мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида катта аҳамият касб этади.

- ¹ Жабборов И., Жабборов С. Жаҳон динлари тарихи. – Т.: «Ўзбекистон», 2002. – Б. 102.
- ² Йўлдошхўжаев Ҳ. ва бошқалар. Диншунослик. Маърузалар матни. – Т.: 2000. – Б. 25.
- ³ Обидов Р. Қуръони Карим Исо пайғамбар ҳақида. – Т.: «Мовароуннаҳр», 1998. – Б. 10.
- ⁴ Dilâver Güter. Peygamberlerin öyküleri. – Istanbul: İnsan yayınlari, 2003. – Б. 179.
- ⁵ Ислам энциклопедияси. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2004. – Б. 169.
- ⁶ Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Таржима ва тафсир муаллифи: Абдулазиз Мансур. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2004. – Б. 385.
- ⁷ Инжил. – Туркия. Муқаддас китоб жамияти, 1996. Ҳаворийлар 7–22. – Б. 292.
- ⁸ Қуръони карим. – Т.: 2004. – Б. 387–388.
- ⁹ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва ҳаёт. Анбиёлар қиссаси. – Т.: «Шарқ», 2007. – Б. 374–375.
- ¹⁰ Обидов Р. Исо пайғамбар ҳақида. – Т.: «Мовароуннаҳр», 1998. – Б. 37.
- ¹¹ Кароматов Ҳ. Хўрланган пайғамбарлар галабаси. – Т.: «Адабиёт ва санъат нашриёти», 1998. – Б. 20.

Шухрат МИРЗИЯТОВ,

Тошкент давлат шарқшунослик институти тадқиқотчиси

НОЁБ МАНБАНИНГ ҚАДИМИЙ ҚЎЛЁЗМАСИ

Кўҳна заминимизнинг серқирра бой маънавият мероси шунчалар кўпсонлики, уларни жамлаб муқаммал ҳолда тасаввур этиш амри маҳол. Маънавий меросимиз сарчашмалари ҳақида олиб борилаётган тинимсиз илмий изланишлар улар тўғрисида янги ва қимматли маълумотларни аниқлашга имкон бермоқда. Айнан шундай фикрни буюк аллома Абдуқосим Маҳмуд Замахшарий мероси хусусида ҳам айтиш мумкин. Мустақилликка қадар ҳаёти ва меросини ўрганишга руҳсат этилмаган олимнинг қаламига мансуб 60 дан зиёд асарларнинг борлиги манбаларда қайд этилган. Истиқлол йилларида Маҳмуд Замахшарийнинг ижоди, умуман буюк алломаларимизнинг ҳаёти ва меросини тўлақонли ўрганишга катта имкониятлар яратиб берилди. Бунинг натижаси ўлароқ алломанинг етмишта асари борлиги аниқланди. Шундай асарлардан 40 дан зиёдининг қўлёзма нусхалари топилган ва улар бутун дунёдаги машҳур хазинагоҳларда сақланмоқда.

Маҳмуд Замахшарийнинг "дунё хазинасига тенг асар"и "*Муқаддимату-л-агаб*" борасидаги илмий изланишлар ушбу ноёб манба, унинг қўлёзмалари ҳақида янги маълумотларни аниқлаш имкониятини бермоқда. Кейинги тадқиқотлар натижасида асарнинг Хитой ва Тошкентдаги янги қўлёзмалари топилди. Айниқса, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасидан топилган нодир қўлёзма катта аҳамиятга эга. Кутубхонанинг нодир китоблар ва қўлёзмалар бўлимида "*Муқаддимату-л-агаб*"нинг Пв № 56-ашёвий рақам билан сақланаётган қадимий қўлёзмаси борлиги аниқланди.

Мазкур қўлёзма дастлаб 1973 йили Ўзбекистон Давлат кутубхонасида 40651-ашёвий рақам билан рўйхатга олинган. Қўлёзмага асарнинг феъллар, ҳарфлар ва феълларнинг тусланиши қисмлари киритилган. Ундан муқаддима, исмлар ва исмларнинг турланиши қисмлари тушиб қолган. Асарнинг ҳажман энг катта қисми феъллар бўлиб, у қўлёзманинг бошидан 329-саҳифасига қадар жойлаштирилган. Феъллар қисмига арабий сўзлик билан бир қаторда, форсий сўзлик ҳам киритилган. Қўлёзма кейинги даврларда таъмирланган, жумладан, унинг 361, 369, 370, 371 варақларидаги матн янгидан ёзилган ва муқова таркибига кейинчалик киритилган. Феъллар қисмининг уч ўзакли феъллар сўзлиги 187-варақдаги хотима билан тутаган. Айнан шу хотима матнида қўлёзманинг 707 ҳижрий, яъни 1307 милодий йилда кўчирилгани ҳақидаги маълумот келтирилган. Қўлёзма қадимий бўлишига қарамасдан, унинг саҳифалари пойгирлар билан белгиланмаган. Ҳар бир саҳифага 9 қатордан йирик насх хатида ёзилган арабий матн жойлаштирилган. Сўзларнинг форсий муродифлари сатрлар орасига майдароқ настаълиқ хатида киритилган. Қўлёзманинг қатор саҳифаларига «Вақфи ҳазираи Мулло Мир Зухриддин валади ҳазии Мавлавий Абдулвоҳид Садр» мазмунидаги юмалоқ муҳр урилган. Демак, ушбу нодир манба Мулло Мир Зухриддин Мавлавий Абдулвоҳид Садр углининг вақфига кирган.

Қўлёзма яхши ҳолатда сақланган. Муқоваси қалин картондан ишланган, устига қизил рангли чарм қопланган. Муқовада учта саҳҳоф тамғаси бор. Тамғага қуйидаги ёзув битилган: عمل محمد ظريف صحاف «Амали Муҳаммад Зариф саҳҳоф». Қўлёзманинг ҳажми – 371 варақ. Ҳажми – 22.5 x 17. Унинг айрим саҳифаларига тузатишлар киритилган.

"*Муқаддимату-л-агаб*"нинг мазкур нодир қўлёзмаси бизгача етиб келган бошқа қўлёзма нусхалардан ўзининг қадимийлиги билан ажралиб туради. У, айниқса, асарнинг форсий сўзлик киритилган қўлёзмаларини ўрганишда, арабий-форсий сўз қатламини илмий таҳлил қилишда муҳим манба вазифасини ўтайди.

1. Маҳмуд Замахшарий. *Муқаддимату-л-агаб*. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси. Нодир китоблар ва қўлёзмалар бўлими, ДАҚ. № Пв. № 56. 371-варақ.